

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

354 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ–2778-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ–2779-сон қарорларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий хужжатларини ушбу Фармонга мувофиқлаштирсинлар.
3. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 17 май,
ПФ–5043-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 17 майдаги
ПФ-5043-сонли Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида» 1996 йил 31 декабрдаги ПФ-1692-сон Фармони 1-бандининг учинчи хатбошисидаги, 2-бандининг биринчи хатбошисида, 3-бандининг биринчи хатбошисида «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Маданият вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони рус тилидаги матни 4-илоvasи 7-позициясининг «Краткое наименование» устундаги «Министерства по делам культуры и спорта» сўзлари «Министерства культуры» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 12 январдаги ПФ-1913-сон Фармонида:

а) 5-бандидаги «Маданият ва спорт ишлари (Х.Джураев)» сўзлари «Маданият (М. Муратов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-бандидан «ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатида:

а) I бўлимнинг 8-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги»;

б) II бўлим қуйидаги мазмундаги 11-банд билан тўлдирилсин:

«11. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси-ни янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонида:

а) 3-илоvasида:

ўн учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Муратов М.М. — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири»;

б) 5-илоvasида:

йигирма учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Акилова К.Б. — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари»;

в) 6-иловасида:

тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муратов М.М. — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 18 октябрдаги ПҚ–203-сон қарорининг 6-бандидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 1 майдаги ПҚ–338-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2007 йил 13 июндаги ПҚ–653-сон қарорининг 1-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ–848-сон қарорининг 1-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида» 2008 йил 8 июлдаги ПҚ–910-сон қарорида:

а) 1-бандида:

биринчи ва иккинчи хатбошилар қўйидаги мазмундаги биринчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги зиммасига қўйидаги вазифалар юклансин:»;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 5-бандининг бешинчи хатбошидаги «Халқ таълими» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 12-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 1 апрелдаги ПҚ–1088-сон қарорида:

а) 5-бандининг биринчи хатбошидаги ва 8-бандининг биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-иловасида:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ходжиматов М.М. — Маданият вазирининг биринчи ўринбосари».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил қилиш тўғрисида» 2010 йил 26 февралдаги ПҚ–1292-сон қарори 1-иловасидаги «Васийлик кенгаши аъзолари» бўлимининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муратов М.М. — Маданият вазири».

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПҚ–1332-сон қарорининг 9-бандидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» 2010 йил 5 августдаги ПҚ–1385-сон қарори 2-иловасидаги 2-бандининг иккинчи хатбошисидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 19 январдаги ПҚ–1466-сон қарори 1-иловасидаги 17, 20, 24, 25, 26, 34, 37, 41-бандларнинг «Масъул бажарувчилар» устунидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида» 2015 йил 20 ноябрдаги ПҚ–2435-сон қарорида:

а) 3-бандининг учинчи хатбошидаги «Халқ таълими» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 4-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 5-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Халқ таълими» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

г) 8-бандидаги «Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «Маданият вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 2-илованинг «Масъул ижрочилар» устунидаги:

биринчи позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маданият вазирлиги, Давархитектқурилиш, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари»;

саккизинчи позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси»;

3, 5, 6, 12 ва 32-позициялардаги «Халқ таълими» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

7, 9, 19, 20, 21, 22, 24 ва 29-позициялардаги «Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Маданият вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

10, 25 ва 26-позициялардаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги» сўзлари «Маданият вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

1, 2, 4, 5 ва 6-позициялардан «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 3-иловада:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муратов М.М. — маданият вазири»;

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маджидов М.А. — Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси, Республика комиссиясининг масъул котиби»;

ж) 4-иловада:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муратов М.М. — маданият вазири, комиссия раиси»;

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбоши «бошқармалари» сўздан олдин «маданият» сўзи билан тўлдирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маҳорат спорт мактабларини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 23 ноябрдаги ПҚ-2438-сон қарориди:

а) 5-бандининг иккинчи хатбошисидаги ва 8-бандидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-бандининг учинчи хатбошисидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 10-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 2-илловасининг «Масъул ижрочилар» устунидаги 3, 6, 8, 10, 11 ва 13 — 23-бандларидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Давлат спорт қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартириш киритиш тўғрисида» 2016 йил 10 сентябрдаги ПҚ-2584-сон қарориди:

а) 3-илловасининг «Мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари» бўлимида:

1-бандидаги «Маданият ва спорт ишлари» (маданият қисми масалалари бўйича) сўзлари «Маданият» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси»;

б) 4-иловасининг «Мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари» бўлими қуйидаги 7-банд билан тўлдирилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси».

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида спортнинг гимнастика турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 7 ноябрдаги ПҚ–2654-сон қарорида:

а) 1-бандининг иккинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактаби» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактаби» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-иловасининг номидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» 2017 йил 18 январдаги ПҚ–2731-сон қарори билан тасдиқланган «2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастурининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда тизимли назорат қилиш бўйича Республика комиссияси таркиби қуйидаги мазмундаги 9¹-банд билан тўлдирилсин:

«9¹. Муратов М.М. — маданият вазири».

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» 2017 йил 25 январдаги ПҚ–2744-сон қарори 2-банднинг учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 1 февралдаги ПҚ–2750-сон қарорининг 1-иловаси 8-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Муратов М.М. — Ўзбекистон Республикаси маданият вазири».

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 8 февралдаги ПҚ–2761-сон қарорининг 2-илоvasи 10-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Муратов М.М. — Ўзбекистон Республикаси маданият вазири».

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг маъмурий биноларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 1 августдаги Ф–2553-сон Фармойишининг 1-илоvasи учинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.